



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI  
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING  
QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

20 21 -yil 18 - mart

490k -son

Bog‘ot shaharchasi

**Боғот тумани Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалига 2021 йилда янгиланган лойиҳалар асосида кўп қаватли турар-жой бинолари ва электр, газ, сув, йўл, локал сув тозалаш иншоотларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлатишга ер майдони ажратиб бериш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6186-сонли фармони ижроси юзасидан ҳамда “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалининг 2021 йилда “Osiyo taraqqiyot banki” маблағлари ҳисобига кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 11 мартдаги 9-183-сонли сўровномасини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқивчи комиссиянинг далолатномаси ва йиғилиш баёнини ҳамда тақдим қилинган бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосланиб

**Қ А Р О Р            Қ И Л А М А Н:**

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиясининг Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалига 2021 йилда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли турар – жой бинолари ва электр, газ, сув, йўл, локал оқава сув тозалаш иншоотларининг қурилиши учун

лойиха-смета ҳужжатлари тайёрлатишга ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги далолатномаси ва йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалига Боғот шаҳарчаси “Оқтепа” маҳалласи ҳудудидан, қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман заҳира ер фонди ҳисобида бўлган жами 0,8 гектар ер майдони 2021 йилда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишга ажратиб берилсин.

3. “Қишлоқ қурилиш инвест” масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Хоразм вилоят филиалидан:

- вилоят қурилиш бош бошқармасидан АРТ-1, АРТ-II (архитектура ва режалаштириш топширик)ларини ишлатиб олиш ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш;

- қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишда тегишли корхона ва ташкилотларнинг хулосаларини олиш вазифаси юклатилсин.

- ушбу қарор АРТ-1, АРТ-II (архитектура ва режалаштириш топширик) ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлашга асос бўлиб, қурилиш ишларини бошлаш учун эса асос бўла олмаслиги тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев